

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТОЛЕРАНТ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1037-1047>

Мамиров Азизжон Ниязмухамедович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти (PhD)

Aziz_m@list.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда Ўзбекистон ёшларининг дунёқарашида толерантлик тушунчаларини шакллантиришда турли ижтимоий ташкилотларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Толерант дунёқарашининг ёшлар ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ва роли мисоллар билан очиқ берилган.

Калим сўзлар. Ўзбекистон, ёшлар, толерантлик, ёшлар ташкилотлари, янги Ўзбекистон, Камолот, сиёсий партиялар, маънавият, жамоа, ижтимоий ташкилотлар.

ABSTRACT

The article highlights the role of various public organizations in shaping the concept of tolerance in the worldview of the youth of modern Uzbekistan. The examples illustrate the importance and role of a tolerant worldview in the social of young people.

Keywords: Uzbekistan, youth, tolerance, youth organizations, new Uzbekistan, Kamolot, political parties, spirituality, community, social organizations.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан буён ўтган давр ичида турли соҳаларда ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятнинг деярли барча соҳаларида жуда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий барча йўналишларида ўтказилиб келинаётган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган эди. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати, мамлакатимизнинг бош устивор йўналиши бўлиб, ўз олдида асосий мақсад қилиб ёшларнинг ижтимоий шаклланиб камол топиши, уларда ижодий иқтидорни ривожлантириш, бу имкониятларни жамият ривожини йўлида фойдаланиш учун имкон борида – иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шаароит яратиш ва бу шароитларни кафолатлашдан иборат бўлди. Бу шароитларни амалиётда қўллаш

ва рўёбга чиқариш эса ҳукукий, маърифий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда толерантлик тушунчаси жамиятда инсонлар ўртасида бирига ўзаро ҳурмат, тенглик, бағрикенглик каби ғояларни ёшлар онгида шакллантиришда ижтимоий институтларнинг роли ниҳоятда катта бўлиб, нафақат Ўзбекистон миқёсида балки Оврўпа олимларининг ҳам диққат марказидаги масала ҳисобланади. Хусусан, толерантлик тушунчасини илмий объект сифатида Днепров Т.П.[1], Фромм Э [2], Елисеев С.М [3], Джон Локк [4] ўз тадқиқотларида баён этиб ўтган. Шунингдек, Профессор И.С.Саифназаров [5], проф. Р.Ҳ. Муртазаевалар[6] томонидан толерантликнинг жамиятга таъсири ва унинг инсоният ҳаётидаги роли ва ўрни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур мақолада ўрганилаётган мавзу илмий тадқиқотнинг анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш, кетма-кетлик, тарихийлик ва мантикийлик каби методлар асосида ёритилишга ҳаракат қилинган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ибораси халқимиз орасида кундалик қадрият сифатида шаклланиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мизийев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ислохотлар жамиятимиз ҳаёти янгиланишини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ёшлар деб – ўз тенгдошлари ёшларига нисбатан умумийлиги билан ажралиб турувчи, ўзига хос ижтимоий психологик жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган, ижтимоий демографик гуруҳга айтилади [7].

Ёшларнинг ижтимоийлашув жараёни, ижтимоий жараёнини актив ҳаракатларини ўрганиш орқали ижтимоий демографик гуруҳлар билан мулоқот ва мунособатга киришиш жараёнида содир бўлади[8].

“Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш - бу шунчаки ҳоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳукукий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақазо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир. Янги Ўзбекистон - демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида

умумъэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”[9].

Ҳозирда ёшларда маънавий-инсоний ҳуқуқлари ўз меҳнатлари самарасини кўриш, яъни ўзларининг қизиқишларини ишга солган ҳолда моддий бойликлар яратиш, бу ишлардан энг аввало ўз оиласини ва жамиятни манфаатдор этиш каби маънавий бурчларини бажариш - энг аввало, ҳар бир ёш авлодни виждони олдидаги вазифасидир. Бу омиллар инсоннинг асосий ҳуқуқини ташкил қилиб, ушбу ҳуқуқий омилни амалиётда тадбиқ қилиш учун шароит яратиш ҳар бир демократик томоийилларни олдинги ўринга қўйган давлатнинг асосини ташкил қилади. Қайд этилган шароитда ёшларда толерант дунёқараш шакллантирилса бу ҳолат уларда маънавий-ижтимоий фаоллик қарор топади. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканлигини кўрамыз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан камолот ёшида яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз[10].

Мустақил давлатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳаларда олиб борилаётган кўпгина ислохотлар ёшлар толерант дунёқарашини шакллантиришда улар олдида турли талаблар қўймоқда. Жамиятда бугунги кунда қарор топаётган янгича муносабатлар таълим-тарбия тизимида ҳам бир қанча янгича ислохотларга таянган ўзгаришлар қилишга олиб келди. Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда, шунингдек ёшларни барча соҳада ижтимоий муносабатларга таёрлаш, уларда бу жараёни ташкиллаштиришда фаол иштирок этиш, ташаббускор, мустақил фикрга эга бўлиш каби сифатларни ўзида мужассам этиш бугунги куннинг асосий талабига айланиб бормоқда.

Ёшларни бугунги кунда дунёқарашда толерантлик тамойилини шакллантиришда юртимизда фаолият олиб бораётган турли ташкилотларнинг роли ва ўрни бекиёсдир. Мумлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви, халқ ҳаётининг барча соҳаларида демократик бошқарув йўлга қўйилаётган шароитда ёшлар ташкилотларининг ёшлар ҳаётига кириб

боришини таъминлаш, ташкилотлар ва ёшлар орасида руҳий яқинликни қарор топтиришга эришиш, ёшлар ташкилотларининг бу борада ҳуқуқ ва вазифаларини такомиллаштиришга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Бизнинг назаримизда бир қанча вазифаларни ижобий ҳал этилиши ёшлар ташкилотларининг ҳозирги ёшлар орасида обрўсини оширади ва ёшлар ташкилотларига нисбатан ишонч ва ҳурматни қарор топтирган бўлар эди.

1. Ёшлар орасида уларнинг қизиқишлари ва энг муҳим эҳтиёжларини ижтимоий сўровлар орқали ўрганиш ва уларда маънавий-ижтимоий фаоллик даражасини аниқлаб олиш.

2. Ёшларнинг муаммолари ва уларда ижтимоий фаолликлар даражасини ўрганувчи психологик марказий бюроси (бўлими)ни ташкил этиш.

3. Мазкур марказ фаолиятини юқори савияда ташкил этиш учун кучли малакага ва стажга эга бўлган психолог, социолог ва педагогларни жалб қилиш.

4. Ёшлар орасида нотиқлик санаътига қизиқадиган дунёқараши кенг, ахлоқли, билимли, ўзининг бағрикенглиги билан обрў таратган, нутқ маҳоратига эга бўлган фаолларини танлаб олиб, уларда беш дастур асосида таълим бериш орқали, улар ёрдамида маънавий-ижтимоий тарғибот, ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида фаолият юритувчи “Ёшлар ишлари қўмитаси” ва “Камолот” ёшлар жамғармаси ўртасида ижодий ва маънавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуннинг талабларини амалда қай даражада ижроси таъминланаётганлигини таҳлил қилиб бориш.

6. Ташаббускор, илмли, ижодкор, шижоатли ёшларни имкониятларидан ва кучидан фойдаланган ҳолда, уларда психологик билимларни шакллантирган ҳолда келажакка ишонч, ўз имкониятини ва иқтидорини тўғри баҳолай олишلاءқатларини шакллантиришга қаратилган турли ҳил ижтимоий тадбирларни ташкил қилиш.

7. Мамлакатимизга фан техника ривожланиши сабаб кириб келаётган турли ҳил ахборотлар орасида инсон руҳияти, тарбияси ва онгига салбий таъсир қилувчи, ахлоқини ўзгартирувчи, уруш ва турли ҳил салбий ғоявий йўналтирувчи ахборотларни ажратиб олиш ва уларни шахс ривожига салбий оқибатларга олиб келувчи ролини илмий асословчи назарий методик қўлланма яратиш яратиш ва уни жамиятга тадбиқ этиш.

8. Талабалар ўртасида инсон имкониятларини нақадар чексизлигини кўрсатиб беришга хизмат қилувчи санъат ва бадиий асарлар намойишини кенг йўлга қўйиш.

Ёшларни жамиятда ижтимоий фаолиятини ривожлантиришда уларни касбий йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб келган. Зеро улар жамиятда ижтимоий мунособатларни шакллантиришда мутахассислик фаолиятини ташкил этиш билан қатнашадилар.

Мутахассислик – шахснинг бирор соҳада эришган юқори даражадаги фаолият соҳаси ёки касби демакдир. Бу яна бошқа кўринишда – ўз ишининг устаси, касби бўйича юксак маҳорат эгаси деб ҳам тушунтириш мумкин. Ёшларда касб бўйича маҳоратнинг шу даражага кўтариш учун ўз соҳаси бўйича йўналишларни тарбиялаш ва ривожлантириш керак. Ўз қизиқишларини ривожлантириш, амалий ишларни бажариш орқали шу йўналишдаги ўқитиш ривожлантирилади ва шакллантирилади. Ўқитиш ишлари эса ўз навбатида соҳаси бўйича амалий фаолиятларни бажара олиш лаёқати ва амалий фаолият асосидаги ишларни бажариш сифатидир. Ўқув процессини бошқариш кўриниши шу соҳага қизиқишнинг қандай даражада намоён бўлишидандир. Ўқув эса ҳар қимда турлича даражада ва кўринишда бўлади. Масалан, маълум бир фанларга инсон ёшлик пайтида қизиқади, масалан: 3-4 ёшида шеър ёзишга, расм чизишга ва х.к. вақт ўтиб бу қизиқиш ўрнини бошқа қизиқишлар эгаллаши ва бу фаолият охир оқибат касб даражасига кўтарилиши мумкин. Бу даражага эришиш учун ҳар бир ёшда етарлича шарт-шароит бўлиши керак. Шароит эса ўз ўрнида – моддий ва маънавий бўлади. Инсон ўқув соҳасидаги қизиқишини изланишлар ва малакасини ошириш орқали касб даражасига кўтариш учун бу илмларни назарий ва амалий эгаллаши лозим. Олий даргоҳга кириб ўз мутахассислигига эга бўлиш, касб ёки ҳунар ўрганиш, қисқа курсларда ўқиш орқали бирор фаолият йўналишини ўзлаштириш. Илмда йўналишлар асосан учга бўлинади:

- инсонларнинг ўз мутахассислиги бўйича назарий ва амалий фанлар,
- шу мутахассисликнинг ижтимоий-иқтисодий мунособатларини ва талабларини ўрганувчи фанлар,
- мутахассис йўналиши бўйича маънавий-ижтимоий фанлар.

Мутахассис ўз йўналиши бўйича соҳасини пухта эгаллаган ҳолда шу соҳанинг истиқболларини назарий ва амалий таъминлаб бера олиши зарур. Масалан математика ёки физика касбини мутахассисини олсак, олий ўқув юртини тугатган мутахассис, ўз касби бўйича ўқув юртига кириб у ерда билим

бериш орқали янги мутахассисни етишиб чиқишига ҳиссасини қўшади. Албатта етишиб чиққан муттаҳассис ҳам ижтимоий муносабатлардаги муаммоларни яхши англаши ва жамоа билан муносабатга киришиб кета олиши лозим. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, юқори малакали, ўз ишининг устаси бўлган кадр мамлакатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

Республикамизда ташкил этилган “Камолот” ёшлар жамғармаси ёшларнинг мутахассислик малакасини ошириш, ўзлари қизиққан касбга ва ҳунарга эга бўлишга имкон қадар имконият яратиб бормоқда. Ҳозирги ёшларда бошқа миллатларга бағрикенглик нуқтаи назардан қарашга ундаш мақсадида тил ўрганиш, турли миллат вакилларига ҳунар ўргатиш каби вазифалар бу ташкилотнинг устивор йўналиши ҳисобланади.

Шу пайтгача ўтган давр шуни кўрсатадики, ҳозиргача “Камолот” жамғармасининг 1000 дан ортиқ жамоа марказлари, барча туман ва шаҳарлардаги 240 га яқин бўлимлар ва ундан ташқари мактаб ва олий ўқув юртларида фаолият олиб бормоқда. 1996 йил сентябрь ойида жамғарманинг туман ва шаҳар марказлари раҳбар ходимларни таёрлаш мақсадида “Камолот жамғармаси” Республика бошқаруви буйруғи билан “Ёшлар муаммолари” институти ташкил қилинди.

Ёшлар муаммолари институти асосан учга бўлиниб фаолият олиб боради:

1. Ёшлар муаммоларини ўрганиш бўлими;
2. “Камолот” жамғармаси ходимларининг малакасини ошириш бўлими;
3. Чет тиллари ва кампютерни ўқитиш бўлими;

Ёшлар муаммоларини ўрганиш бўлимида бевосита ёшларга хос бўлган муаммоларни кўриб чиқиб, ўрганилиб уларга ечим топишга ҳаракат қилинади. Хусусан, бу бўлимда лаборатория, социологик сиёсатшунослик бўлимлари мавжуд бўлиб, миллий мерос, қадриятлар ва маънавит-маърифат соҳасида фаолият олиб бориб, ёшларни Ватанга садоқат, уни севиш, унга садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида социологик тадқиқотлар олиб боради. Шу билан бирга ёшларнинг муаммолари, уларнинг бандлиги, ёшларни иш билан таъминлаш, ишсизлар сони ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва уларга ечим топишга ҳаракат қиладди. Бундан ташқари Республикамизда ёшлар толерант дунёқарашини шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ҳам ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сиёсий партияларнинг энг муҳим мақсади, бу - манфаатларини ўзи қондириши лозим бўлган ижтимоий қатламлар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этишидир. Партиялар турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг манфаатлар ваколатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат ва жамият ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради, шу билан бир вақтда улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди[11]. Олимнинг келтирган фикрига қўшилган ҳолда яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни уларнинг сони билан эмас, балки ўзларининг сиёсий дастурларининг кучлилиги ва жамият ҳаётидаги ижобий таъсири орқали белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ҳар бир фуқаро сўз эркинлиги, эътиқод эркинлигига ҳамда ўз имкониятларини жамиятда эркин намоёниш қилиш имкониятига эга бўлди. Республикамизда фуқаролик жамияти қуриш ўзининг амалий аҳамиятига эга бўлди. “Биз учун фуқаролик жамияти – дейди Ислом Каримов – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”[12].

Бундан келиб чиқадики, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар давлат бошқарувида ҳокимият органларининг ташкилотчилик фаолиятини амалга оширишда, инсон фаолиятнинг барча қонунлар ва воситалар билан кафолатланишига таъсир кўрсатади. “Бу ҳуқуқни амалга ошириш - давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир”[13].

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистонда биринчидан, сохта, ҳар хил мафкуралар фаолияти ва яккаҳокимлигига чек қўйилди. Ўз миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз руҳига қорилган бағрикенглик асосида шакллантирилган миллий мафкурага кенг йўл очилди. Иккинчидан – Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари ва мафкуралар ва турли фикрлар асосида риожланиши ва ҳар қандай мафкура давлат мафкураси бўла олмаслиги белгилаб берилди. Бундан ташқари ҳар бир инсон ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади ва қонун томонидан ҳимояланади. Демократик давлат барпо этиш учун бу ҳуқуқий асослар жуда катта аҳамиятга эгадир. Чинакам демократия фуқароларнинг толерантлик тамойиллари асосида,

тенглик ва бағрикенглик тушунчалари бўйича фикрлашга, инсон тафаккурининг озод бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

“Умумий тамойилларни ва меъёрларни ўрганмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш мумкин эмас”[14].

Фан амалиётида “Демократия” сўзининг қўлланилиши:

- Давлат тузумини тавсифлашда;
- Ҳокимият манбаи сифатида кўпчилик ифодасини эътироф этиш;
- фуқароларнинг эркинликлари ва тенгҳуқуқликларини ифода қилишда;
- Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини ташкил этиш ва улар роли ошиб боришининг детерминанти сифатида;
- Халқ оммаси, ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг сиёсий ҳокимиятини амалга оширишда миқдор ва сифат жиҳатдан фаолиятини ифодалашда;
- Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг синоними сифатида;
- Сиёсий маданият ва ижтимоий ҳаракат сифатида;
- Ижтимоий-сиёсий таълимотлар сифатида;
- Сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва уни идора этиш сифатида;
- Озчиликнинг фикри ҳурматда ва уни эркин тарзда оппозицияга ўтиш ҳуқуқини эътироф этиш орқали аниқ ўз ифодасини топди;

Бизга маълумки, демократиянинг жамиятда марксистик, плебисцитар, плюралистик, элитар кўринишлари мавжуд бўлиб, улар турли мамлакатлар ҳаётида ва фаолиятларида ўз ифодасини топмоқда.

Миллий мустақиллигимизнинг дастлабки йилидан бошлаб юртимизда инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган стратегик вазифа белгиланди[15]. Ўзбекистон ҳуқуқий фуқаролик, демократик ва бағрикенглик тамойилларга таянган жамият қуриш йўлини танлаши, бу жамиятда бўлаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, миллий қадриятларимизга таянган ҳолда тараққиётимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Ўз ўрнида демократик онг шаклланиши жамиятда ёшларнинг сиёсий онгини шаклланишига олиб келади. Агар инсон сиёсат билан шуғулланмаса, албатта сиёсат у билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу ўринда айтиш мумкинки жамиятда сиёсий онгни шакллантириш ва сиёсий институтларни такомиллаштириш, шунингдек давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниш жараёнига ҳал қилувчи ва таъсир

ўтказувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун жамият сиёсий онгини ўстириш ва демократияни шакллантириш давлатда турли хил вазифаларни, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни бажаришда ва амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Бундай мақсадга эришиш учун энг аввало:

- Оила, ОАВ, сиёсий партиялар, сиёсий институтлар ва бошқа ижтимоий тизимлар жамият сиёсий онгини оширишда қатта роль ўйнашлари керак. Бунинг учун жамиятда жамоат ташкилотларининг, нодавлат сиёсий ва фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигига давлат томонидан кўмак бериш зарур.

- Давлатда сиёсий онгининг шаклланиши ўта мураккаб ва давлатнинг ички зиддияти, объектив ва субъектив омиллар, турли хил ижобий ва салбий қарашлар, баҳолашлар, қонун-қоидалар таъсирида рўй берадиган жараён бўлиб, бу ҳодиса энг аввало жамиятда қанчалик даражада демократик сиёсий тизим мавжудлигига ва шаклланишига боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятда бундай тизим шакллантирилмаса, ҳеч қандай демократик сиёсий онг шаклланиши мумкин эмас.

- Жамиятда ҳуқуқий онг ва ахлоқий онг билан бирга уйғунлашган ҳолда бир-бирига таъсир ўтказиши шарт. Инсоннинг жамиятдаги ахлоқий нормаларининг шаклланиши кўп жиҳатдан уларда сиёсий онгининг қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ.

“Сиёсий онги ва сиёсий маданияти суст бўлган инсон сиёсатда онгли равишда иштирок эта олмайди. Бундай вазият жамият сиёсий соҳаларининг ривожланишига тўсиқ қўяди”[16].

Ҳозирда атрофимизда содир бўлаётган демократик жараёнларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топиши, инсон кадр-қимматини кўтариш мезонлари ривожланаётган бир даврда ижтимоий ташкилотларни барқарорлаштириш ва мустахкамлашда баъзи бир кўрсаткичларга суянади. Энг аввало тарихан шаклланган – миллат, анъана, маданият ва қадрият, маърифат ва тафаккур тарзини шакллантириш ва ўзида сақлашни талаб этувчи мезонларни ўзида мужассам этган ташкилотлар. Бу жиҳатдан мазкур ташкилотлар илгари сурган вазифалар ва чора-тадбирларни жамият хоши истагига мослаб, ҳаётга мос келадиган амалий ишларни йўлга қўйиш керак. Ижтимоий ташкилотлар ўз фаолияти давомида жамиятдан демократик жараёнларни жадал суратда олиб боришни талаб этади. Ҳар бир ижтимоий ташкилотлар амалга ошираётган фаолиятида ўзида демократик ва ахлоқий, бағрикенглик тамойилларини шакллантирсагина инсонпарварлик, тинчлик, инсон омилини кўтариш каби

омилларнинг жамиятда қарор топишига эришилади. Шу жумладан бугунги кунда ёшларнинг жамият ислохотларига кириб бораётганлиги, улар орасида ватанпарварликни шаклланаётганлиги, ўз халқининг ўтмиши ва маданий қадриятларини яхши билаётганлиги, уларда миллий ғурурнинг шаклланиши ва толерант дунёқарашнинг ривожланиб бораётгани шундан далолат беради. Ҳозирда Ўзбекистон ёшлари ўз мамлакатларига муҳаббат, ундан фахрланиш, уни ҳимоя қилиш, унинг шуҳратини ва обрўсини ошириш, жамиятда миллат ва элатларнинг тенглиги ва уларнинг бағрикенглик тамойиллари асосида фаолият юритиши, Ватанимиз маданиятини чуқур ўрганишдан ижтимоий-маънавий манфаатдор ва жамиятда олиб борилаётган ислохотларда ўзларида дахлдорлик хиссини туймоқда. Бугунда ёшлар орасида ватанпарварлик фақатгина Ватанга бўлган муҳаббатда эмас балки, маънавий-маърифий ва иқтисодий ислохотларда ёшларнинг ҳам фаол иштирок этишида кўринмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Республикасмизда ёшлар ташкилотларининг ўрни ҳозирда ёшларда бағрикенглик, тенглик каби тушунчаларни шакллантиришда жуда каттадир. Ҳозирги глобаллашув тобора шиддат билан авж олаётган бир даврда бағрикенглик тамойилларини шакллантириш ва уни ёшлар онгида ривожлантириш шубҳасиз республикамиз ривожига ва ундаги ҳамдўстлик тушунчаларини ёшлар ўртасида янада мустахкамлайди.

REFERENCES

1. Днепров Т.П. Педагогический анализ понятий «Национальная толерантность», «Этническая толерантность» и «Межнациональная толерантность» // Педагогическое образование в России. -2010. №2. -С.88-98
2. Фромм Э. Инсаният анатомияси. – М.: ООО Изд-во АСТ-ЛТД, 1998. 670 с
3. Елисеев С.М. Особенности политической толерантности студенчества С.М.Елисеев, И.В.Устинова // Социол. Исслед. -2010. -№6. -С. 45-51.
4. Джон Локк. Сочинение трёх томах. Т. 3. –М.: Мысль, 1985.-668 с.
5. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. Масъул муҳаррир: проф. Р.Ҳ. Муртазаева. – Тошкент, Университет, 1998. -104 б
6. Саифназаров, И., Саифназарова, Ф. (1997). Маънавийатимизнинг умрбоқий сарчашмалари.-Тошкент: Меҳнат, 110 б
7. Молодежь как социальная группа [Электронный ресурс]. Обществознание. Универсальный справочник.

8. Плугарь О. А. Молодежь как социальная группа: определение, социально-демографические характеристики и перспективные направления исследования [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 2-2. Режим доступа: “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021йил 17август, №165(421)
9. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.:”Ўзбекистон”,,. 2021й.
10. Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.-Т.,1998.
11. Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2003 йил. №3.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.:Ўзбекистон., 1998. 554-б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1,-Т., 1996. 79-б.
14. Султонов Т. ва бошқ. Президент И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари бўйича маърузалар матни. Т.,2000.-76-б.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003. 8-б.
16. Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2003 йил. №3. 172-б.
17. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
18. Саифназаров, И. (2019). Толерантлик—комил инсон белгиси. Архив научных исследований.
19. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahridin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
20. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
21. Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлараро ҳамжиҳатлик - ижтимоий барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б.
22. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahridin Roziyning “Latoif ul-g‘iyosiyot” qo‘lyozma asarida aql va e‘tiqod masalasining qo‘yilishi va uning diniy-falsafiy germeneytik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.